ОБИДЖОН МАҲМУДОВ ВА УНИНГ ФАОЛИЯТИ, ИҚТИСОДИЙ МАСАЛАЛАРГА ОИД ҚАРАШЛАРИ

Воҳидова Комила Абдуллозизовна
т.ф.н., доцент. Импульс тиббиёт институти
https://orcid.org/0009-0009-5400-6532.
komilavohidova068@jmail.com

Аннотация. *XIX аср охири, XX аср бошларида Россия мустамлакаси ҳисобланган Польша, Қрим каби Туркистон ижтимоий ҳаётида ҳам янгиланиш, ривожланиш ва тараққиётга эришиш мақсадида юзага келган ҳаракат Туркистон тарихида жадидчилик ҳаракати сифатида ном олади. Мақолада ушбу ҳаракатнинг машҳур намояндаларидан бири, нафақат Фарғона водийсида, балки Туркистонда ҳам кўзга кўринган миллий зиёлилардан бири бўлган, жадид мутафаккири Обиджон Маҳмудовнинг ҳаёт йўли ва XIX аср охири, XX аср бошларида Туркистон ижтимоий ҳаётида юзага келган муаммоларга муносабати, унинг жамият ривожидаги ўрни, иқтисодий масалаларга оид қарашлари, ҳамда бу борадаги илмий мақолаларини ўрганишга оид маълумотлар тадқиқ этилади.*

Калит сўзлар: *Жадидчилик, Обиджон Маҳмудов, Туркистон, зулмат, жаҳолат, саводсизлик, мустақиллик, иқтисодиёт, тоғ-кон инженери, "Садойи Фарғона", маърифат, иқтисод, кон саноати, тадбиркорлик, янгиланиш, илм-фан, тараққиёт.*

Аннотация. *Движение, возникшее с целью обновления, развития и прогресса в общественной жизни Туркестана, такого как Польша, Крым, который в конце XIX-начале XX веков считался российской колонией, получило в истории Туркестана название джадидистского движения. В статье рассматривается жизненный путь одного из видных деятелей этого движения, одного из выдающихся национальных интеллектуалов не только Ферганской долины, но и Туркестана, джадидского мыслителя Абиджана Махмудова и его отношение к проблемам, возникшим в общественной жизни Туркестана в конце XIX-начале XX века, его роль в развитии общества, его взгляды на экономические вопросы, а также его научные статьи по этому вопросу. данные исследуются.*

Ключевые слова: *Джадидизм, Абиджан Махмудов, Туркестан, тьма, невежество, неграмотность, независимость, экономика, горный инженер, Садой Фергана, просвещение, экономика, горнодобывающая промышленность, предпринимательство, обновление, наука, прогресс.*

Annotation. *Considered a Russian colony at the end of the XIX, beginning of the XX century, the movement that arose in the social life of Turkestan, such as Poland, Crimea, in order to achieve renewal, development and progress, takes its name as a movement of jadidism in the history of Turkestan. The article explores the life path of the Jadid thinker Obidjon Mahmudov, one of the famous exponents of this movement, one of the prominent national intellectuals not only in the Fergana Valley, but also in Turkestan, and his attitude to problems in Turkestan social life in the late 19th, early 20th centuries, his role in the development of society, his views on economic issues, as well as his scientific articles on this.*

Keywords: *Jadidism, Obidjon Mahmudov, Turkestan, darkness, ignorance, illiteracy, independence, economy, mining engineer, "Sadoyi Fergana", enlightenment, economy, mining industry, entrepreneurship, renewal, science, development.*

КИРИШ

XIX аср охири XX аср бошларида алоҳида тарихий ижтимоий жараён сифатида вужудга келган жадидчилик ҳаракати ўз даврининг миллий қаҳрамонларини етиштириб берди. Туркистонда мустақил давлат барпо этиш мақсадида жамиятимиздан билимли, савияли, маърифатпар, фидоийлар ажралиб чиқдилар ва улар халқ оммаси орасида миллий давлатчилик ғоя ва қарашларини ривожлантиришга эришдилар[9, 8.02]. Фарғона водийсидан Исҳоқхон Ибрат, Муҳаммадшариф Сўфизода, Ашурали Зоҳирий, Носирхонтўра, Чўлпон, Дадамирзақори ва Ҳамза каби миллатпарварлар шулар жумласидандир. Булар орасида Фарғона водийсида кўзга кўринган жадид тараққийпарварларидан бири Маҳмудов Обиджон Абдуҳолиқ ўғли (Обид чатоқ лақаби билан ҳам юритилган) ҳам бор эди (1871-1936). Обиджон Маҳмудов ва унинг ҳаёти ва фаолияти, жамият ривожидаги ўрни, иқтисодий масалаларга оид қарашлари, ҳамда бу борадаги илмий мақолаларини ўрганиш бугунги кунда аҳамиятлидир.

ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Обиджон Маҳмудов ватанимиз, халқимиз тараққиёти учун ислоҳотларни амалга оширган, йирик тадбиркор ва сиёсий арбоб сифатида тарихда қолган, лекин, бугунги кунда унинг иқтисодий масалаларга оид қарашлари ва бу борадаги мақолалари алоҳида тадқиқот манбаи сифатида ўрганилмаган. Мақолада О. Маҳмудовнинг тадқиқ этилмаган қирраларини ўрганиш ва халққа етказиб бериш мақсад қилиб олинди. Чунончи, унинг ҳаёти ва жадидчилик фаолиятига оид материалларга маҳаллий ва чет эл олимлари асарлари ва даврий нашрларида қисман эътибор бериб ўтилади [1, 272 б; 2, Б. 143-148; 4, Б. 165; 13,

Б.113-118; 18, Б. 230; 16, Б.1-9]. Тараққийпарвар жадид О. Маҳмудов ҳақида маҳаллий тарихчилардан Т. Қозақов томонидан ёзилган “XX аср бошларида Фарғона водийсидаги ижтимоий–сиёсий аҳвол ва жадидчилик ҳаракати” номли тадқиқот ишида[29], С. Шадмановнинг “Даврий матбуотда Туркистоннинг ижтимоий – иқтисодий ва маданий аҳволи масалалари” номли докторлик диссертациясида Обиджон Маҳмудовнинг “Садойи Фарғона” газетасида иқтисодиётга оид қарашлари ҳам борлиги эътироф этилади[28, Б. 139]. Н.Каримов [14, Б. 73], Т.Котюкова [17, Б. 42], Н.Маҳкамова [19, Б. 14], Т.Қозақов ва К.Воҳидова [30, Б. 85-89]лар томонидан даврий матбуот нашрларида эълон қилинган мақолаларда эса миллий тараққийпарвар О.Маҳмудовнинг иқтисодий ва маънавий қарашларининг айрим жиҳатларига эътибор қаратилади. Яна бир олим Р.Назаровнинг “Махмудов Абиджан Абдухалик-оглы” номли мақоласида О. Маҳмудовнинг 1897-1901 йилларда Санкт-Петербургдаги тоғ-кон университетида таҳсил олиб, Россиядаги ўзбеклар орасида биринчи тоғ-кон инженери бўлганлиги тўғрисидаги маълумот берилади[25, Б. 12-16]. Унинг “Узбекская диаспора России: история и современность” номли мақоласида ҳам айнан Обиджон Маҳмудовнинг Мумконсой деган мавзеда нефт ва озекерит конларини очиб ишга туширганини ва Қўқонлик бойлардан бири эканлигини таъкидлаб ўтади [26, Б. 7-13].

XIX аср охири XX аср бошларида Фарғона водийсида фаолият олиб борган миллий тараққийпарварлик ҳаракатининг намояндалари тўғрисида чет эл олимлари ҳам тадиқот олиб борганлар. Хусусан, И. Зенушкинанинг “Советская национальная политика и буржуазные историки: становление советского многонационального государства (1917-1922 годы) в современной американской историографии” номли китобида Туркистон муваққат ҳукумат таркибида Обиджон Маҳмудовнинг озиқ-овқат вазири сифатидаги фаолиятига эътибор қаратилади [12, Б. 285]. Ингеборг Балдауфнинг “Jadidizm in Central Asia” within Reformizm and Modernizm in the Muslim World” номли мақоласида эса Обиджон Маҳмудов ва бошқа тараққийпарварларнинг ноширлик фаолияти ҳақидаги фактлар берилади. Хусусан, у О. Маҳмудовнинг Россия томонидан Туркистонда ташкил этилган биржа ва банклари мамлакатни иқтисодий жиҳатдан қарам қилганлиги ҳақидаги фикрларини эътироф этади [7, Б. 79]. В. Бобровников “Islamic discourse of visual propaganda in the interwar soviet orient (1918–1940)” номли тадқиқот ишида эса О. Маҳмудовнинг 1920 йил апрелида Туркистонга Ташқи алоқалар бўлимининг Фарғона водийси бўйича информатор агенти этиб юборилганлиги ва шу лавозимда волост ҳамда қишлоқ советларини ташкил қилиш, сув муаммоси бўйича юзага келган муаммоларни бартараф этишда фаоллик кўрсатгани ҳақидаги маълумотлар берилади [8, Б.

58]. Ф.А. Жестовская ўзининг “Проблемы татарского просветительства в XIX - начале XX веков в историко-политическом измерении” номли номзодлик дисертациясида Туркистон Мухторияти давлати ҳақида фикр юритар экан, Обиджон Маҳмудовнинг 1917 йилдаги очарчиликнинг олдини олишда вазир сифатидаги ўрни беқиёслигини кўрсатади [11, Б. 112]. Аммо бугунги кунга қадар Обиджон Маҳмудовнинг иқтисодиётга оид ғоя ва қарашлари алоҳида мавзу сифатида тадқиқот доирасига тортилмаган.

Тадқиқот натижалари. Обиджон Маҳмудов Туркистондаги жадидчилик ҳаракатининг йирик вакили, сармоядор, ношир ва жамоат арбоби. 1894-1895 йилларда уйидан чиқиб кетади ва таҳминан, 1898 йилда Каспий денгизи соҳилидаги Челекан ярим оролидан шерикликка ер сотиб олади ва у ердан нефт чиққанлиги сабабли йирик сармоядорга айланади [24, Б.19]. О.Маҳмудов Фарғона водийсининг бир қанча жойларидаги нефт, олтингугурт ва мум конларини сотиб олишни давом эттиради. У хозирги Туркманистон худудида жойлашган Челекан оролидаги нефт конларига эгалик қилади [5, Б.16; 3, Б. 543]. Обиджон Маҳмудов [29, Б. 68] Санк-Питербург тоғ кон-металлургия институтини 1897-1901 йилларда ўқиб [2, Б. 144], Туркистондаги тоғ кон-металлургия соҳасидаги биринчи мутахассис бўлиб етишади. Туркистонга қайтиб келгач, “Тоғ-саноат Азикофитевая ишлари” мутахассиси бўлади.

Обиджон Маҳмудов ўз даврининг ажойиб бошқарувчиси эди, у ўзида жамоат арбоби ва тадбиркорлик қобилиятини муваффақиятли бирлаштира олди[16, Б. 3]. Туркистон нефт-газ саноатини ривожлантиришга қўшган унинг беқиёс ҳиссаси алоҳида эътирофга лойиқ иш эди. У углеводородларни саноатда ишлаб чиқариш ва уларни кейинги қайта ишлаш асосчисидир. Обиджон Маҳмудов ўз фаолиятининг бошланишида ёнар тош (битум (қатрон)) сотиш билан шуғулланган бўлса, сўнгра хорижий мамлакатлар тажрибасини ўзлаштириб, нефтни қайта ишлаш ва ёқилғининг янада самарали турлари, яъни керосин, бензин фракцияларини олиш билан шуғулланади[20]. XIX-аср охирида керосин кўча ва уйларни ёритиш учун ишлатилар эди. Керосин ва бошқа ёқилғига бўлган талабнинг ортиб бориши Обиджон Маҳмудов олдига нефт қазиб олиш ва қайта ишлашни кўпайтириш бўйича янги вазифалар қўяди.

Обиджон Маҳмудов Алфред Нобел билан биргаликда Фарғона водийсида биринчи йирик нефтни қайта ишлаш заводи қурилишини бошлаб юборади, бу эса келажакда қайта ишлаш ҳажмини ошириш ва шунга мос равишда қўшни давлатларга хомашё экспортини йўлга қўйиш имконини берар эди. “Садойи Фарғона” газетасининг 1914 йил 25 октябр, 76-сонидан бошлаб, 1915 йил 26 апрел, 123-сонига қадар бериб борилган эълонларда ҳам Обиджон Маҳмудов ўзининг кон саноатида етиштириб чиқарган маҳсулотларни сотиш мақсадида

реклама бериб борганлигини кўришимиз мумкин. Унинг ишлаб чиқарган маҳсулотлари сирасига тайёр мазут, пардоз мум, ип мум, шамлар муми, ёқиладиган қораер ёғининг қуюғи, суюғи, мазутнинг суюқ хили, иморатларга кетадиган (халқ) муми, ўчоқ ва печларда ёқиладиган тош, ҳайвонга кунжара ва қуёшлик боғда етиштирилган нашватлар борлиги ва мазкур молларни нархини билишни истаган харидорлар Қўқондаги Ҳайдарбек маҳалласидан, Обиджон Маҳмудов ҳовлисидан сўрашлиги ва телефон рақами ҳам келтирилади [20, №76-123]. Обиджон Маҳмудов ўз даврида Фарғона ўлкасининг кўзга кўринган тараққийпарвар, саноатчи бойларидан эди. У зиёли, ишбилармон, тадбиркор, бойлардан бўлиб, 1906 йилда Қўқонда ташкил этилган савдо саноат биржа жамиятининг ҳам аъзоси эди. [31, Б. 15]. Фарғона водийсида бир нечта нефт конларини очишда иштирок этади ва Шўрсувдаги олтингугурд конини сотиб олади.

Обиджон Маҳмудов ўқиш жараёнида, кейинчалик савдо ишлари билан Россиянинг марказий худудлари, Волга бўйи ва Кавказ худудларида бўлиб, у ердаги ижтимоий сиёсий ҳаёт, кишиларнинг турмуш тарзи, маданияти, қарашларини ўрганади. Бу жараёнда у Туркистонни Россия мустамлакаси сифатидаги оғир аҳволини тушуниб етади, ўз сармояларини она ватани Туркистон тараққиётига, миллатни уйғотиш ва ривожлантириш мақсадларига сарфлаш учун иқтисодий маданий, маърифий соҳаларни ривожлантиришни йўлга қўйиш, ўлкада вужудга келган оғир инқирозларни олдини олиш мақсадида миллатдошлари онгини уйғотиш, жамиятда юзага келаётган ҳолатларни асосини тушунтириб етказиб бериш, замонавий асосдаги билим ва ҳунарни ривожлантиришга ўз эътиборини қаратади ва бунинг учун курашади.

У исломнинг тараққийпарвар ролини эътироф этгани ҳолда, таълим, иқтисод, маданият, умуман жамият ҳаётини барча соҳаларини ислоҳ қилиш заруриятини тушунтиришга интилади. Унинг фикрлари ҳеч қачон миллий доирада чекланиб қолмайди ва Ғарбнинг технология ва ишлаб чиқариш жиҳатидан Шарққа нисбатан анча илгарилаб кетганлигини ҳисобга олган ҳолда Ғарб цвилизацияси томон интилади. Барча жадидлар қатори О. Маҳмудов ҳам мустақиллик учун кураш жараёнида иқтисодий мустақилликка эришиш масаласига алоҳида эътибор қаратади. Мустамлакачи ҳукумат маҳаллий мулкдорлар, ишбилармон, тадбиркорлар мавқеининг ўсишига қаршилик кўрсатиб турган бир шароитда, у иқтисодий соҳаларда катта муваффақиятларга эришади [29, Б. 71]. Мамлакатда юзага келаётган муаммолар, Туркистоннинг аввалги иқтисодиёти қандай эди, ёки кейинги иқтисодий инқирозли ҳолатларга қандай тушиб қолди, бу масалаларни мулоҳаза қилиб, сабабларини очиб беришга уринади. “Садойи Фарғона” газетасининг 1914 йил 28 май сонида

Обиджон Маҳмудовнинг “Эски баракотлик савдогарчилик” [21] номли мақоласи эълон қилинади. Мақолада Туркистонни ижтимоий ҳаётини тўла тўкис ёритиб беришга интилади.

Мақолада муаллиф бой, мулкдор, бадавлат инсонлар ҳамда савдогарлар жамият ҳаётида алоҳида мавқега эга бўлганликларини эътироф этиб, уларни тўрт тоифага ажратади. Булар эски савдогарлар, янги савдогарлар, меъросий савдогарлар, хизматчи савдогарлар тоифалари эди. Эски савдогарлар сифатида Эровский (Калима), Москва, Истамбул ва узоқ-яқин ерларга мол олиб бориб, олиб келиб сотадиганларни мисол келтиради. Янги савдогарлар сифатида ғалла ва ҳар хил молларни нақдга олиб, омборга тўплаб, яна қисқа муддатда нақдга ва қисқа муддатлик насияга сотадиганларни, шунингдек, баъзилари уйларида қутидорлик қилиб нақт ва насияга олиб сотиб, бир неча мирзалар орқали насияларини тердириб, тижорат силсиласини тутиб турганлар деб кўрсатади. Меъросий савдогарлар сифатида, айримлари отасидан қолган дастмояни соҳиби бўлган бойларнинг фарзандлари бўлиб, яхши отлар ва қўйлар сақлайдилар, деб кўрсатади. Хизматчи савдогарлар эса, бир кишини пулини ишлатиб, фойдасини бўлиб оладиган савдогарлардир, деб эътироф этади. Дўкондор, косиб, аҳли талаба ва бошқалар мана шу тўрт қисм савдогарлар даражасига етишишни орзу қилиб яшайдиган тоифалардир, дейди.

У вақтларда косиблар савдогарлардан пул қарз сўрасалар улар дўкондорларнинг ҳожатлари учун пул бериб, уч ой, беш ойдан сўнг қарздорлар икки уч тақсим қилиб, қайтариб беришликларини, лекин, бу ишлар процентга эмас, исломий нуқтаи назардан қарзи хасана ҳисобида берилишини, бундай инсонлар сирасига мисол сифатида Мир Олимбой, Олимжон ҳожи, Ҳазниё бобо кабиларни кўрсатиб, уларни миллатимизнинг саҳоватпеша бойлари эдилар, деб эътироф этади. Хасана ҳосиятидан уларнинг ҳар ишида баракот ҳам кўп эди [21], деб эътироф қилади.

Обиджон Маҳмудов Туркистонда қадимдан маҳаллий савдогарчилик ҳалоллик асосига қурилганлиги учун ҳам баракотлик бўлганлигини, халқни ривожланиши, тараққиёти учун ҳам жамиятда алоҳида мавқега эга бўлган кишилар ўз масъулиятларини хис қилганликларини, бу эса ўз ўрнида жамият аҳли учун ҳам фойдалик бўлганлиги, яқин йигирма беш йил давомида ижтимоий ҳаётда бир қадар ўзгариш бўлиб, янги қонунлар ва судхўрлик капиталининг кириб келиши мамлакат иқтисодиётини издан чиқариб юборганлиги айтиб, булар асосида ҳайр иши боғланиб, мурувватн инсония деган нарса манфаати шаҳсия деган худбинликка айланганлиги, дўкондорлар ва косиблар ишлари ҳам орқага кетганлиги, Қуръон илмига амал қилиш ҳижолатликдан бошқа сўз бўлмай қолганлигини[21] эътироф этади.

Рус ҳукумати Туркистон генерал губернаторлигини ташкил этганидан бошлаб, бирин кетин Туркистонга Россия фирмалари кириб кела бошлайди. Биринчилардан бўлиб Туркистонга “Лахтин” ва “Виктор”[21] фирмалари кириб келади. Лахтин фирмаси О.Маҳмудов ўз мақоласида таъкидлаганидек, Туркистонда фаолият олиб борган бўлиб, биринчи хусусий тошбосмага 1877 йилда Семён Лахтин томонидан асос солинади. Бу босмахона 1899 йилгача фаолият олиб бориб, фирманинг инқирози туфайли кейинчалик Василий Ильин қўлига ўтиб кетади ва шаҳардаги энг яхши нашриётлардан бирига айланади [10, Б. 296]. Рус ишбилармонлари бу нашриётдан яхшигина фойда кўрадилар. Муаллиф дастлабки вақтларда Фарғона водийсига кириб келган “Лахтин” ва “Виктор” фирмаларининг турли бошқа турдаги ишлари ҳақида ҳам маълумот берадики, бу бошқа манбаларда деярли учрамайди. Бу фирма томонидан дастлаб қилинган ишлар ҳақида гапирар экан муаллиф, уларнинг маҳаллий бойлар пулларини 40 фоиз кўпайтириб бериш шарти билан пул ва насияга мол олиб сотганликлари, аҳли косибларга узоқ муддатга просент билан пул ва одамларга насия мол берганликлари, маҳаллий бойлардан мазкур фирма нафақат пулни ўзини, балки просентга қарз ола бошлаганликлари ва уч-тўрт йилдан сўнг синиб, маҳаллий бойлар, кичик аҳли косиблар ҳам синганликлари ҳамда турли тарафга қочиб кетганликлари, Виктор ва Лахтин фирмаси ўзларини банкрот эканликларини айтиб, йўқ бўлганликлари ҳақида гапиради. Бир қанча бойлар янгидан иш бошлаб ер олиб деҳқончиликка тутинганлари, айримлари савдо расталари олиб савдога тутинганликлари, айрим мўйсафид бойлар буни кўтара олмай, оламдан ўтиб кетганликлари ҳақида ёзади. Туркистон маҳаллий бойлари, мусулмонларимизнинг соддаликлари бутун оламга ва хатто қримларга маълум бўлиб, шундан сўнг қримлик мусулмонлар ҳар фойдалик ишда ҳам мусулмонларимизга эътироз қила бошладилар, деб этироф этади.

XIX аср охири XX бошида Туркистонда «Ака-ука Шлосберг», «Кноп», «Ака-ука Степун» фирмалари, Москва ҳисоб банки, Рус-Осиё банки ва бошқалар фаолият кўрсатганлар. О. Маҳмудов мамлакатда капиталистик иқтисодий муносабатларнинг кириб келиши, адолатсизлик ва суистеъмолчиликлар халқнинг тобора тинка мадорини қурита бораётганлигини ҳамда Европа банк ва фирмаларининг асл башарасини очиб ташлайди [21].

Фарғона музофотига Виктор ва Лахтин фирмасидан кейин яхудийлар, ҳамда, турли Москва фирмалари кириб кела бошлайдилар. Бироқ яхудийлар Виктор ва Лахтин каби мусулмонларнинг дастмоясини бир тийин ҳам куйдирмадилар. Балки, улар мусулмонлардан ҳам яхшироқ ишбилармон эканларки, ҳар ишда мусулмонлардан олдинда, тижоратда ҳам катта обрў

топдилар. Энди, ўз юртида мусулмонлар яҳудий бойлари орқасидан юрсак шояд бирор иш топармиз деб, яхудийлар маслаҳати билан иш қилиб юрдилар. Фарғонага поезд келди, унинг билан фирмаларнинг катталари кириб келди, савдо ишларига катта имкониятлар очилди. Фарғона музофотининг ерлари ва пахта пилла ва бошқа зироат ишлари маҳаллий аҳоли қўлида эди. Буни кўрган мустамлакачилар турли йўллар билан буларни қўлга киритиш учун ҳаракат бошлаб юбордилар. Векселлар сотила бошланди, аҳоли буни яхши тушунишга улгурмай, нўмири ва вақтига қарамай уларга қўл қўя бошлаганлар. Мол-мулк, ер ва уйлар, маҳалла кўча ва бозорларда акциюн савдода сотила бошланди. Банклар кредит очиб кредитга пул берила бошланди. Фирмалар ҳам савдо шўъбаси очиб, кредит жорий қилдилар. Бир одамга банк 5000 минг сўм кредит очган бўлса, фирмалар 10 минг сўм кредит очдилар. Мусулмон аҳли пулни банклардан, молларни фирмадан ола бошладилар ва қишлоқларга бориб, пахта етилганда пулини олиш шарти билан наъсияга мол тарқатадилар. Бундан хабар топган фирмалар кредиторларни жойларга мирзалар сифатида қўйиб, фирма пулини тўплаб берадиган одамларга айлантирдилар. Аҳоли банкдан олган пулни асосий капитал, фирмадан насияга олган молларини қўшимча капитал деб билиб, яхши от аравалар, қимматбаҳо иморатлар, исрофли тўйлар, улоқлар қила бошладилар. Ортиб қолган пулларга узоқ ерлардан таноби беш юз, олти юз сўмлик ер олиб, юз сўм ижара бериладиган дўконни саккиз минг сўмга олиб фойдалана бошладилар. Натижада, бир неча кунда йигирма тўрт фирма, ўн-беш комиссион идоралар очилиб, просентни олти ва ками етти, саккиз, ўн, ўн бир қилишиб, аҳолини пулини торта бошладилар.

Бир тарафдан пахтачи фирмалар, иккинчи тарафдан Москва фирмалари, бир тарафдан ҳукумат турли йўллар билан маҳаллий бойларни пулларини торта бошладилар. Энди одамлар қўшимча қолиб, асосий капиталдан ҳам айрилиб, яна устига бир неча ўнларча минг сўм қарздор бўлиб, савдогарлар синдилар. Олинган векселлар ҳам вақти ўтган ёки қайтариб олинмас бўлиб, вексел олган савдогарлар ҳам синдилар [21]. Обиджон Маҳмудов бу мақола орқали бўлиб ўтган воқеликлардан хулоса чиқариб, иқтисодий соҳадаги бу ўзгаришлар маҳаллий аҳолини аҳволини тараққиёт ва ривожланишга эмас, ҳароб бўлишга олиб келганлиги, бу вақтда қанча инсофсизлик қилиш мумкин бўлса, шунча инсофсизлик қилинганлигини эътироф этади.

Банкдан кредит олиб, қарзга кирган ишбилармонларни таърифлаб, бундан қутулишга уринган кишилар бир икки йилдан сўнг икки баробар кўпайган қарздорликни қандай тўлаш мумкинлигини маслаҳат қилиб, фирмалар пулини олгунча ўртадаги маслаҳатчилар улар пулларини еб тугатиб, маҳаллий аҳолини иқтисодий сохадаги билимлари етарли бўлмаганлиги учун ҳам бундай

фирибгарларга дучор бўлаётганликларини [21], Россия томонидан Туркистонга кириб келган банк, фирма ва биржалар на фақат мамлакатни, балки, фуқароларни катта қисмини иқтисодий жиҳатдан қарам қилаётганлигини алоҳида эътироф этади [7, Б. 79].

О. Маҳмудов тадбиркор инсон бўлганлиги сабабли, иқтисодий масалаларга, хусусан, маҳаллий саноат, ҳунармандчилик ва савдога катта эътибор берган. У қоғоз ишлаб чиқариш саноати билан боғлиқ муаммолар юзасидан фикр юритиб, шунча вақтдан бери Туркистон музофоти хонликларида барча китобларга кетадиган қоғозлар Русия ва Хитойдан эмас, балки, Қўқондан чиқиши, кўп ҳам арзон, квадрати бир тахта бўлган, юз тахта қоғоз муҳрлангани ярим сўм, муҳрланмаган шунча қоғоз бир ярим танга эди. Сифат талабларига жавоб берган бу қоғозлар Қўқонда Мўйи Муборак мавзеъсида, ўн, ўн беш қоғоз обжувозда тайёрланиб, ҳар қайси қоғозчилар уйларида муҳрлаб алоҳида қоғоз бозорида сотадилар [22]. Агар ҳукумат беш ўн йил эътиборсизлик қилса, эҳтимолки, шу касб йўқ бўлиб кетса ҳам ажаб эмас.

Воқеликлар ривожланиш жараёнини кузатиш асосида шундай хулосага келиш мумкинки, жадидчилик ҳаракати 1916-1917 йилларга келиб, маърифатчиликдан сиёсий ҳаракат даражасига кўтарилиб боради. Обиджон Маҳмудов унинг ўзи айтганидек, “дарди бир, касали ҳам бир, давойи ва дармони ҳам бир” бўлган ватандошлари, туркистонликларни тараққиётга олиб чиқиш учун саъй ҳаракат қилган жадид юртдошларимиздан бири сифатида фаолият олиб боради.

1917 йил 26-28 ноябр кунлари Бутун Туркистон мусулмонларининг IV-қурултойи бўлиб ўтди. Унда “Туркистон муҳторияти” давлати эълон қилиниб, муваққат халқ кенгаши эллик тўрт кишидан иборат бўлиб, муваққат бошқарув ҳукумати ўн икки кишидан иборат ижро этувчи ҳокимиятни ташкил этади. Бу ҳокимият таркибида “Озиқ овқат вазири” сифатида Обиджон Маҳмудов ҳам фаолият олиб борар эди. Тергов материалларига кўра, у Туркистон муҳторияти ташкил этилаётган пайтда озиқ овқат вазири бўлишига қарамай, Муҳториат ҳукумати қўшинларини қуроллантириш ишида ҳам иштирок этади. Туркистон муҳторияти давлати тугатилгандан сўнг унинг раҳнамолари орасида фақат икки нафар одам, Мустафо Чўқай ва Обиджон Маҳмудовлар тирик қолган эдилар [18, Б. 67]. Совет давлати О.Маҳмудовнинг Фарғона водийсидаги нефт, озокерит, олтингугурд ва мум конларини миллийлаштириб, бу конлардан фақат ижарачи сифатида фойдаланиш имкониятини беради [3, Б. 546]. Муҳторият тугатилгач, у Фарғона вилояти ишчи деҳқон, солдат депутатлари совети томонидан очарчилик туфайли Кавказга юборилади. 1919 йил 1-майдан бошлаб Халқ Комиссарлари советининг Туркистон ишлари бўйича махсус

комиссиясида пахта тайёрлаш бўйича мутахассис сифатида иш юритади. О.Маҳмудов XX аср бошларида Нижний Новгороддаги савдо ярмаркаларида Туркистонда етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулоти сифатида пахтани ҳам олиб борганлиги сабабли, кейинчалик советлар уни пахта бўлимига ишга юборади. У бир йил давомида пахта бўлимида ишлагач, Туркистон Марказий Ижроия қўмитасининг Москвадаги Доимий ваколатхонасида Матбуот бўлимини бошқаради. 1920 йил апрелида эса Туркистонга ташқи алоқалар бўлимининг Фарғона водийси бўйича информатор агенти этиб юборилади. У шу лавозимда хизмат қилар экан, волост ва қишлоқ советларини ташкил қилиш, сув муаммоси бўйича юзага келган жанжалларни бартараф этишда фаоллик кўрсатади. 1022-1926 йилларда Шўрсув шаҳарчаси ўрнидаги Мумконсой деган мавзеда нефт ва озекерит конларини очиб ишга туширади ҳамда Туркистон ўлкасининг йирик саноатчилари қаторидан жой олади [16, Б. 3-4].

О. Маҳмудов 1933-йилда Москвада бўлиб ўтган Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалиги кўргазмасида Фарғона вилоятидан топилган фойдали қазилмалар наъмуналари билан қатнашиб, тоғ-кон муҳандиси сифатида илмий изланишлар олиб боради. Бу фаолияти билан жадид мунаввари Ўзбекистоннинг иқтисодий мустақилликка эришиши учун етарли салоҳиятга эга эканлигини авлодларга кўрсатиб беришни ўз олдига мақсад қилган эди. Большевиклар давлатига қарши курашда саломатлигини йўқотган Обиджон Маҳмудов 1936 йилнинг 21 ноябрида оғир хасталикдан вафот этди.

Хулоса. Обиджон Маҳмудовнинг ҳаёт йўли ва Қўқондаги савдо саноат биржаси аъзоси сифатидаги фаолияти муҳим аҳамиятга молик. Туркистон муҳторияти давлатида вазир сифатида олиб борган фаолияти, унинг миллий тараққийпарварлик ҳаракати тараққиётига қўшган хиссасига доир маълумотлар ва илмий хулосалар ушбу йўналишда илмий тадқиқот олиб боришга асос бўлиб хизмат қилади. Бинобарин, унинг ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш ёшлар ўртасида ватанпарварлик, ўз юрти келажагига дахлдорлик ғояларини тарғиб қилиш, улар онгида аждодлари билан фахрланиш туйғусини тарбиялаш ва ўз Ватанининг чинакам ватанпарвари қиёфасини шакллантириш имкониятини беради, ҳамда мамлакатимиз тараққиётига хизмат қиладиган муҳим омил бўла олади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.

1. Алимова Д., (2022) Жадидчилик феномени. –Тошкент, - Б. 261.
2. Alimova D., Baqirova I., (2013) The history of public and cultural reformation in the Caucasus and Central Asia (19th - early 20th century). –Samarkand, –B. 143-148.
3. Alinazarova D., Obidjon Mahmudov – Farg`onada ilk milliy gazeta asoschisi. Jamiyat va innovasiyalar – Общество и инновации – Society and innovations Special Issue -1, №01 (2020) / ISSN 2181-1415. –B. 542 (541-547).

4. Allworth. E., (1994) 130 years of Russian dominance. A historical overview. – London. “Duke university press”, –B. 165.
5. Аҳмад С. “Садойи Фарғона” газетаси ва унинг муҳаррири//туз. Н.Зоитова. “Садойи Фарғона” газетасига тузилган библиографик кўрсаткич. Т.: 2017. Б.16.
6. Bazarbayev K., Tursun H., Sadykova R., (2013) Jadidism as an educational system and a political movement in Turkestan (Central Asia)//International education studies, № 1. –B. 85-94.
7. Baldauf I., “Jadidism in Central Asia within Reformism and Modernism in the Muslim World”. 2001. P.79
8. Bobrovnikov V., (2017) Islamic discourse of visual propaganda in the interwar soviet orient (1918-1940)//Islamology, № 2. –B.54-73.
9. Vek-Noviy.ru Programniye tseli i zadachi djadidov. Predstaviteli djadidskogo dvijeniya i ix dyatel`nost.
10. Добромыслов, А.И. Ташкент в прошлом и настоящем. Исторический очерк. Ташкент, 1912, стр.296
11. Жестовская Ф., (2004) Проблема татарского просветительства в XIX - начале XX веков в историко-политическом измерении. дисс... канд. ист. наук. – Казань, – С.112.
12. Зенушкина И. (1971) Советская национальная политика и буржуазные историки: становление советского многонациональная государства (1917-1922 гг) в современной американской историографии. Москва. Мысл. С. 285.
13. Khalid A., (1992) Muslim printers in Tsarist Central Asia: A research note// Central Asian survey, №11. –B. 113-118.
14. Karimov N., (2016) Farg`ona jadidlarining sarvari// Vodiynoma №1. –B 70-74
15. Каримов Н. Миллий матбуотимизнинг икки машҳур сиймоси. // Миллий матбуотимизнинг икки дурдонаси. “Садои Туркистон” ва “Садои Фарғона” газеталарининг ўзбек халқини эрк ва ҳуррият, миллий бирлик ва тараққиёт ғоялари руҳида тарбиялашдаги ўрни ва аҳамияти” мавзуидаги Республика илмий-амалий анжумани материаллари 2015 йил 27 май. –Тошкент. –Б. 6-23.
16. Komilov N., (2020)"Obidjon Mahmudov activity is in the spotlight of local and foreign scholars," The Light of Islam: Vol. 2020: Iss. 3, Article 6. https://uzjournals.edu.uz/iiau/vol2020/iss3/6. P.1-9.
17. Котюкова Т., (2000) Выбори во вторую государственную думи и дятельност Туркестанских депутатов (1906 – 1907 гг.) // Ўзбекистон тарихи, №3. - B.40 – 43.
18. Kocaog`lu T., (1992) “Turkistanda yenilik hareketleri ve ihtilaller: 1990-1924”. B.67. 230 б.

19. Маҳкамова Н., (2000) К вопросы об уровне просветсвенности и культурного развытия среднеазиатских государств в XIX-начало XX века // Ўзбекистон тарихи, №1 – 2. - В.13 – 17.
20. Mahmudov O., (1914-1915) E`lon. “Sadoyi Farg`ona” gazetasining 1914 yil 25 oktabr, 76 sonidan boshlab, 1915 yil 26 aprel 123 soniga qadar barcha saxifalarda berib borilgan.
21. Mahmudov O., (1914) Eski barakotlik savdogarchilik// “Sadoyi Farg`ona” gazetasi. 28 –may.
22. Mahmudov O., (1915) Eski asrdan bir mazmun// “Sadoyi Farg`ona” gazetasi. 14 –mart.
23. Mahmudov O., (1915) Ho`qandda ittifoqlik// “Sadoyi Farg`ona” gazetasi 4-may.
24. Миллий матбуотимизнинг икки дурдонаси // “Садои Туркистон” ва “Садои Фарғона” газеталарининг ўзбек халқини эрк ва ҳуррият, миллий бирлик ва тараққиёт гоялари руҳида тарбиялашдаги ўрни ва аҳамияти” мавзуидаги Республика илмий-амалий анжумани материаллари 2015 йил 27 май. Ташкент. –Б.17, Б.19, Б.23.
25. Назаров Р., (2009) Махмудов Абиджан Абдухолик угли//Ислам в Санкт Ретербурге. - Новгород, - S. 12-16.
26. Назаров Р., (2016) Узбекская диаспора России: история и современност//Единство, №2. –S.7-13.
27. Туркестанский голос. (1916). 12-ноября.
28. Шодмонова С. Б., (2011) Даврий матбуотда Туркистоннинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий аҳволи масалалари: тарих фанлари докт...дисс. Тошкент. Б.224
29. Қозақов Т., (2001) “XX аср бошларида Фарғона водийсидаги ижтимоий сиёсий аҳвол ва жадидчилик ҳаракати” номли тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс.–Тошкент. Б.68, Б.71
30. Қозақов Т., Воҳидова К. (2015) “Садойи Фарғона” газетаси ва “Садойи Туркистон” газеталарида иқтисодий масалаларнинг ёритилиши//Миллий матбуотимизнинг икки дурдонаси. “Садои Туркистон” ва “Садои Фарғона” газеталарининг ўзбек халқини эрк ва ҳуррият, миллий бирлик ва тараққиёт ғоялари руҳида тарбиялашдаги ўрни ва аҳамияти” мавзуидаги Республика илмий-амалий анжумани материаллари 2015 йил 27 май. –Тошкент. Шаҳидлар хотираси жамоат фонди. 27-май. Б.85-89.
31. Ўз.Р. МДА. Ф-И-19, 1-рўйхат, 26684- иш, В.15
32. Ўз.Р. МДА. Ф-И-19, 1-рўйхат, 29440- иш, В. 30
33. Ўз.Р. МДА. Ф-И-19, 1-рўйхат, 29440-иш, Б. 30